O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. M

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 18 июнь, чоршанба • №49 (11.540) • Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июнь куни расмий ташриф билан Эрон Ислом Республикасига жўнаб кетди. Теҳронга жўнаш олдидан мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.*

Ислом Каримов, ташрифдан кўзланган мақсадлар хусусида тўхталар экан, Эрон ўз минтақасидаги иқтисодий жиҳатдан салоҳиятли мамлакатлар сирасига кириши ва бу давлат билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш жуда муҳимлигини таъкидлади.

– Нефть ва газ заҳиралари бўйича дунёнинг энг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган Эрон сўнгги пайтларда коммуникация соҳасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, Эрон билан ҳамкорлик биз учун муҳим аҳамият касб этиши янада ойдинлашади.

Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларга келсак, 2002 йили ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 260 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. 1998 йили бу кўрсаткич 4 баробар кам эди. Мазкур ташриф давомида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, икки ўртадаги алоқаларни ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш, террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтгача икки мамлакат ўртасида 40 дан ортиқ ҳужжат имзоланган.

Ташриф давомида минтақа мамлакатлари ўртасидаги коммуникация тармоқларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада Теҳронда Эрон раҳбарияти билан бирга Афғонистон ўтиш даври ҳукумати раиси Ҳамид Карзай билан ҳам музокара ўтказиш режалаштирилган.

*(ЎзА).*

## МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИДА ЯНГИ САҲИФА

*"Эрон биринчи вице президенти Муҳаммад Ризо Ариф Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эронга режалаштирилган ташрифи икки томонлама алоқалар кенгайишида яна бир туртки бўлишига ишонч билдирди...".*

"Эрон Ислом Республикаси савдо вазири Муҳаммад Шариатмодари Эрон фирма ва компаниялари Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қизиқиш билдираётганини қайд этди ва уларнинг Ўзбекистон томони билан савдо амалиётларни кўпайтиришга тайёрлигини билдирди..."

**(Давоми 2-бетда).**

● Шу сонга ● Шу сонга ● Шу сонга ●

## ПИЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ЗАФАРИ

### Вилоятда 935 тонна сифатли саноат хомашёси тайёрланиб, шартнома режаси ортиғи билан бажарилди



Бу йилги ипак қуртини парваришлаш мавсумига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Аввало, ҳосилдорликни ошириш ва пилла сифатини янада яхшилаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Аниқроқ қилиб айтганда, хонадонларда ҳар йилгидан камроқ қурт боқиб, пиллакорларнинг меҳнатини енгиллаштириш ва шунинг ҳисобига хомашё сифатини яхшилаб, юқори нархларда сотиш назарда тутилди. Яъни 2002 йилдагига нисбатан 4000 қути кам уруғ жонлантирилди. Жами 18019 қути қурт уруғи 15479 хонадонга тарқатилиб, уларни яйратиб парвариш қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Шу боис ҳар қути уруғдан олинган ҳосил ўтган йилгидан 3,5 килограмм кўп бўлди.

Ташкилий ишларни ўз вақтида бажариш, юз берадиган муаммоларни жойида ҳал этиб бориш мақсадида вилоятда, шунингдек, барча туманларда пилла штаблари тузилди. Унга аъзо бўлган раҳбар ва мутахассислар бутун мавсум давомида жойларда ипак қурти парвариши билан банд бўлганларга зарур маслаҳат ва амалий ёрдам бериб бордилар.

Тайёрлов корхоналари ҳар бир хонадонни кераклли анжомлар, жумладан, тўшама қоғоз, ҳарорат ўлчагич ва бошқа воситалар билан тўлиқ таъминлади. Хўжалик раҳбарлари эса пиллакорларни рағбатлантириш мақсадида ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда нақд пул, ун, ўсимлик ёғи ва гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатдилар. Бундан ташқари, баргни эрта тонг ва кечки салқинда кесиб, хонадонларга ташиб бериш учун транспорт ажратилди. Мавсум тадбирлари ҳар томонлама пухта ташкил этилгани туфайли мўл ва сифатли ҳосил етиштирилди. Вилоятда контрактация шартномасидаги 930 тонна ўрнига 15 июнгача 935 тонна кумуш тола тайёрланди. Ўртача ҳосилдорлик 52,9 килограммданга тўғри келди.

Вилоятнинг умумий пилла хирмонига бекободлик пиллакорлар 131,1 тонна, бўкаликлар 122,1, ўртачирчиқликлар 94,7, юқоричирчиқликлар 94, янгийўлликлар 92,7, чинозликлар 91,3 тонна хомашёлари билан ҳисса қўшдилар. Шунингдек, ҳар қути уруғдан 60 килограммга етказиб кумуш тола олган Бекобод туманидаги Навоий номли, Оққўрғондан «Ўзбекистон», Бўкадан «Бўстон», Юқоричирчиқдан «Дўстлик», Пскентдан Дўстбеков номли, Ўртачирчиқдан Охунбобоев номли, Чинોздан Навоий номли, Қуйичирчиқдан «Ўзбекистон», Бўстонлиқдан «Янгиовул», Оҳангарондан Навоий номли ширкат хўжаликларининг улуши ҳам салмоқли бўлди.

Режа ортиғи билан бажарилган бўлсада, пилла терими давом этмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, яна 15 тонна кумуш тола тайёрлаш имконияти бор. Тайёрлов корхоналарида хомашё қабул қилишни давом эттириш билан бир вақтда янги ҳосилга дастлабки ишлов бериш, қуритиб, намлигини меъёрга келтириш ишлари бошлаб юборилди. 15-20 кун ичида қуруқ пилла давлат андозалари талаблари асосида истеъмолчиларга сотиш учун тайёр қилиб қўйилади.

*Радиотехника ва турли ўлчов воситалари пенопластга ўралган ҳолда жойларга етказилади. Бироқ пенопластдан қайта фойдаланиб бўлмайди. У узоқ йиллар чиримай, атроф-муҳитни ифлослантиради.*

## «АТМОСФЕРА» – ИЗЛАНИШДА

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли "Атмосфера" илмий-тадқиқот ва лойиҳа-технология институти олимлари бундай муаммоларни бартараф этиш йўлларини топиш борасида илмий изланишлар олиб бормоқда. Тадқиқотлар натижасида таркибида полистерол кимёвий моддаси мавжуд ушбу воситани қайта ишлаб, халқ хўжалиги учун керакли елим ва лак маҳсулотлари олиш мумкинлиги маълум бўлди.

*(ЎзА).*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки матбуот хизматидан хабар қилишларича, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари сони яна иккитага кўпайди.*

## ВИЛОЯТНИНГ «БАРАКА»СИ

Тошкент вилоятида низом жамғармаси 9,7 миллион сўм бўлган "Барака" ҳамда Бухоро вилоятида низом жамғармаси 7,9 миллион сўмни ташкил этган "Бухоро тадбиркори" кредит уюшмалари рўйхатдан ўтказилди. Уларга фаолият олиб боришлари учун рухсатномалар топширилди.

Таъкидлаш жоизки, эндиликда юртимизда ўнта шундай кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

*(ЎзА).*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## 2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш ҳамда умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. 2003/2004 ўқув йилида:

бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51100, шу жумладан 19900 давлат грантлари ва 31200 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 5400, шу жумладан 1400 давлат грантлари ва 4000 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин.

2. 2003/2004 ўқув йилида олий таълим муассасалари ҳузуридаги махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, шунингдек болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул сони 5000, шу жумладан 1200 давлат грантлари ва 3800 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда Оролбўйи минтақаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда тегишли бино ва иншоотларни, асосий фондларни ва молиявий маблағларни белгиланган тартибда Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети балансидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали балансига ўтказсин, шунингдек ўтказиладиган талабалар контингентини, профессор-ўқитувчилар, маъмурий-бошқарув ва хўжалик ходимлари таркибини аниқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент давлат аграр университети Низомига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Давлат тест маркази билан биргаликда 2003/2004 ўқув йилида Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалига қабул бўйича тест синовларини юқори савияда ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. 2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

6. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида бакалавриат ва магистратурага қабул бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларини Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

7. Давлат комиссиясига Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасига қабул қилиш тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур қарорда белгиланган умумий қабул квоталари доирасида қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2003/2004 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабул квоталарини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 1995 йил 3 июндаги 211-сон қарори 1-бандининг Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультетига айлантириш тўғрисидаги қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 14 июнь.

## МАРКАЗДА ТРЕНИНГ СЕМИНАР

*Тошкентдаги халқаро журналистларни қайта тайёрлаш марказида уч кунлик ўқув тренинг семинари бўлиб ўтди. Унда газеталарда фаолият кўрсатаётган журналистлардан ўн беш нафари қатнашди. Машғулотда ёш қаламкашларга ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу соҳага қандай ёндошиш кераклиги ва хориж матбуоти бу мавзуни қай тарзда ёритаётганлиги ҳақида маълумотлар берилди.*

— Биз дастлабки уч кунлик семинарни матбуотда хизмат қилувчи журналистлар ўртасида бошладик, — деди марказ директори Гулнора Бобожонова.— Кейинги машғулотни телевидениеда фаолият олиб бораётган сухандонлар билан ўтказамиз. Учинчи шундай семинаримизга радиожурналистларни таклиф этамиз.

Семинар тренинг қатнашчилари республикамиздаги банк ходимлари, солиқ инспекцияси мутахассислари, турли иқтисодий нашрларда қалам тебратаётган ижодкорлар ҳамда Хитой элчихонаси вакилларининг иқтисод соҳасига боғлиқ маърузаларини тингладилар. Ўқув машғулот сўнггида қатнашчиларга марказ томонидан сертификатлар топширилди.

***Камолиддин АСҚАРОВ.***

Ғалла-2003

## ҲОСИЛ МЎЛ, ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

### эндиги вазифа ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан бошлаб, мавсумни қисқа муддатларда якунлашдан иборатдир

Кеча вилоят ғалла штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, бўлим ва бошқармалар бошлиқлари, туман ҳокимлари ва уларнинг биринчи муовинлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, ҳудудий МТП ҳамда хўжаликларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов очиб, вилоят пиллакорларини муҳим саноат хом ашёси тайёрлаш режасини ошириб адо этганликлари билан табриклади.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Сайдулло Бегалиев ўрим-йиғим арафасидаги вазият ҳамда мавсум давомида амалга оширилиши зарур бўлган асосий вазифалар ҳақида тўхталди. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган ғаллачиликда ҳосилдорлик йил сайин ошиб, шартнома режалари ортиғи билан бажарилмоқда, деди у. Айниқса, 60-70 центнерчи хўжаликлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолдир.

Мутахассисларнинг ҳар бир хўжалик ғаллазорларини айланиб, қилган тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, вилоят бўйича бу йил гектаридан ўртача 50 центнердан ҳосил кўтариш имконияти бор. Аммо, бу кўрсаткичга эришиш учун ўрим-йиғимни ҳар жиҳатдан тадбиркорлик билан ташкил этиш, комбайнларни юксак унум билан ишлатиш, мавжуд барча куч ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш лозим бўлади.

Комбайнларни ишга солишдан аввал ғаллазорлардаги йирик ўтларни юлиб ташлаш зарур. Акс ҳолда улар комбайнларга ҳалақит бериб, ўрим суръатларининг пасайишига, ҳосилнинг ифлосланишига олиб келади. Бу йил ўриб-янчилган ғаллани обдон тозалаб, қуритиб, фақат юқори классларга топширишни таъминлаш лозим.

Кейинги йилларда ғалла сомонларини даланинг ўзида ёқиб юбориш одат тусига кириб қолган эди. Бунга қатъий чек қўйиш керак. Чунки, бу тупроқ таркибидаги керакли моддаларни йўқ қилиб, ерларнинг унумдорлигини пасайтириб юборади. Шунингдек, ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш, яъни ерда намлик етарли бўлган пайтдаёқ шудгорлаш ва такрорий экинларга тайёрлаш зарур.

Вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов йиғилиш қатнашчилари эътиборини комбайнчи ва бошқа ўрим-йиғим иштирокчиларини, хўжалик, фермер ва пудратчиларни моддий рағбатлантириш чораларини кўришга қаратди. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Биринчи галда шартнома шартларига қатъий амал қилиб, режадан ортиқча етиштирилган ғаллани хўжалик, фермер ва пудратчиларнинг ўзларига тўлиқ қолдириш лозим. Бу йил хўжаликлардан фақат контрактация шартномасида белгиланган миқдордаги ғалла қабул қилиб олинади.

Мавсумда ўриб-янчилган донни ташиш учун 2000дан зиёд автотранспорт воситалари сафарбар этилади. Уларнинг комбайнлар билан уйғун ҳолда ишлашини таъминлаш муҳимдир. Чунки, ўзаро мутаносибликка эришилмаса, ўрим-йиғим конвейери бузилади, суръат пасайиб, мавсум чўзилиб кетади. Шунингдек, жойларда «Кейс» комбайнларининг унумли ишлашини таъминлашнинг иложи қилинса, айни муддао бўлур эди.

МТПлар ҳам мавсум давомида жиддий масъулият ҳис қилган ҳолда иш юритиши зарур. Хусусан, бутун ўрим-йиғим давомида таъмирловчи гуруҳлар ишини кечаю кундуз узлуксиз ташкил этиш керак. Шундай қилинса, комбайнларнинг тўхтовсиз ишлашлари таъминланади.

Жойларда ўрим-йиғим иштирокчиларини моддий рағбатлантириш тадбирларини белгилаш мавсумни муваффақиятли якунлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шуни ҳисобга олиб, ҳосилдорликни 60 центнерга етказган туманга махсус совrин энг юқори натижага эришган учта хўжаликни «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари билан мукофотлаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, МТП ва илғор фермерлар учун ҳам алоҳида совринлар белгиланмоқда.

Бир сўз билан айтганда 2003 йилда вилоят далаларида бошоқли экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Уни ўриб-йиғиб олиш учун куч, техника ҳам етарли. Энди ҳамма гап ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, мавсумни муваффақиятли якунлашдан иборатдир.

Йиғилиш сўнгида ғўза ривожининг бугунги аҳволи, ўғитлаш, суғориш ва ишлов беришни кучайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди ва тегишли тавсиялар берилди.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***



**Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалиги ғаллакорлари 420 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Эрта-индин ўрим-йиғимни бошлаш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриб қўйилди.**

*СУРАТДА: хўжалик бошқаруви раисининг муовини Ўринбосар Мамбетов (чапда) бош пудратчи Мавлон Ашуралиев билан ғалла ўримини қайси майдондан бошлаш ҳақида маслаҳатлашмоқда.*

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

# МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИДА ЯНГИ САҲИФА

Ушбу сатрлар давлатимиз раҳбарининг Теҳронга бўлажак расмий ташрифи арафасида Эрон вақтли матбуотида нашр этилган мақола ва ахборотлардан иқтибос этилган бир қисмидир холос.

Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари қатор тарихий омиллар билан белгиланади.

Халқимизнинг буюк намояндалари бўлмиш – олим ва мутафаккирлар бир-бирларини ўзаро бойитиш орқали бутун башарият мулки бўлиб қолган бебаҳо маданий ва илмий меросни вужудга келтиришган. Мавриди келганда эслатиш жоизки, бутун оламга донғи кетган аждодларимиз ўзларининг асарларини форс ва мумтоз ўзбек тилида бирдай иқтидорлик билан ижод этишган.

Ўзбек ўқувчисига Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлави каби буюк форсийзабон шоирлар ва дунё маданият дурдоналари сарасидан муносиб жой олган ажойиб асарларнинг бошқа ижодкорлари яхши маълумдир.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши 1992 йилнинг 10 майида Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатишга имкон яратди. Шу кундан бошлаб икки суверен давлат ўртасидаги алоқалар босқичма-босқич ижобий ривожланиш тусини олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил ноябри, 1996 йил майи ҳамда 2000 йил июнидаги Эронга ташрифлари, шунингдек, Эрон Президентлари А.Х.Рафсанжонийнинг 1993 йил октябри ва С.М. Хотамийнинг 2002 йил апрелидаги мамлакатимизга ташрифлари икки мамлакат муносабатларининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига асос яратди.

1993 йилнинг 18 октябрида имзоланган протоколга асосан тузилган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Эрон ҳукуматлараро комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Унинг сўнгги бешинчи мажлиси жорий йилнинг 19-21 майида Тошкентда бўлди. Ушбу йиғилиш сармояларни жойлаштириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасида савдо айирбошлашни кўпайтириш, транспорт воситалари билан юк ташиш, коммуникация, банк ва молия хизматлари соҳасида ўзаро алоқаларни кенгайтиришга қўшимча туртки берди. Бу эса икки давлат савдо-иқтисодий муносабатларининг ҳозирги савияси уларнинг ҳақиқий имкониятларига жавоб бермаслиги ва ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш учун етарли захиралар мавжудлигини икки томон эътироф этаётган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирда Тошкент ва Теҳрон муносабатларининг шартномавий – ҳуқуқий асосини 40 га яқин ҳужжат ташкил этади.

Айни пайтда Ўзбекистонда Эрон сармоялари иштирокида 40 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 29 таси қўшмадир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳам, Эрон ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилади. Минтақада транспорт инфратузилмасини ривожлантириш катта аҳамият касб этмоқда. Мавжуд потенциал икки томонлама ва кўптомонлама кенг ҳамкорликни йўлга қўйишга имконият яратади.

Мамлакатимиз жаҳон бозорларига ўз юкларини етказишда Эрон коммуникациялари ва денгиз бандаргоҳларидан фойдаланиш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, икки давлат ва минтақа миқёсида халқаро терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдордир. Бу йўналишда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўптомонлама ҳамкорликка ҳам муҳим аҳамият қаратилади.

Шак-шубҳасиз, катта умидлар боғланаётган бўлажак ташриф мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа очади.

*Бахтиёр ИРИСОВ,*
*«Жаҳон» АА шарҳловчиси.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

# КРЕДИТГА — МАШИНА: ҚУЛАЙ, ҲАММАБОП ВА ФОЙДАЛИ

*Бундан салкам етти йил муқаддам – 1996 йил 19 июлда Президентимиз Ислом Каримов "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг расмий очилиш маросимида сўзлаган нутқида ушбу корхонанинг аҳамияти ҳақида тўхталиб: "шубҳа йўққи, Асакада ишга тушаётган завод ва бу заводни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, авваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади, одамларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди", деб таъкидлаганди.*

Дарҳақиқат, Марказий Осиё минтақасида ягона енгил автомобиль заводи ҳисобланмиш бу азим корхона ишга тушганидан буён ўтган етти йиллик давр мобайнида унинг конвейерларидан барчага манзур бўлаётган 325 мингта турли русумдаги машина чиқди. Истиқлолнинг илк автомобиллари - "Нексия", "Тико", "Дамас" кўчаларимизда пайдо бўлганидан бошлаб автооламнинг бу гўзал хилқатлари деярли ҳар бир ўзбек хонадонининг беминнат дастёрига, том маънодаги ишончи ва таянчига айланиб қолди.

2001 йилнинг 17 августида заводнинг қисқа вақтда барпо этилган яна бир линиясидан замон талабларига ва халқаро андазаларга тўла жавоб бера оладиган, ҳар томонлама қулай, ихчам, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган, бошқача айтганда, исми жисмига мос "Матиз" (яъни "роҳатижон") деб ном олган янги харидорбоп енгил машиналар чиқа бошлади. Бу воқеа ҳам кишиларимиз томонидан катта эътибор ва қизиқиш, муболағасиз айтиш мумкинки, зўр фахрланиш туйғуси билан кутиб олинди.

Бугунги кунда автомобилларимиз нафақат ички бозорда, балки хорижий мамлакатлар, хусусан, МДҲ бозорларида ўзининг сифати, ташқи ва ички безаги, нисбатан арзон ҳамда қулайлиги билан ғоят қадрланяпти.

Энг муҳими, "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси бошқа тегишли ҳамкорлари билан биргаликда Мустақиллик неъмати – ўзимизнинг енгил машиналаримизни ҳамюртларимиз ўз диди ва истагидан келиб чиққан ҳолда энг яқин дўконлардан, қулай шарт-шароитларда бемалол харид қилиш имкониятига эга бўлиши учун янгидан-янги енгилликлар яратиш борасида тинимсиз изланаётгани қувонарлидир.

Хусусан, "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг "Асака" банки билан биргаликдаги ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, шу йил май ойидан бошлаб Асакада ишлаб чиқарилаётган машиналаримизни юртимиздаги барча автомобиль ишқибозларига банк кредитлари ҳисобига сотиш тартиби ишлаб чиқилгани ва бу ташаббус ҳозирданоқ изчил амалга оширилаётгани, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз автомобиль бозоридаги жиддий янгиликдир.

Кредитга машина харид қилиш тартибига кўра харидор автомобиль нархининг 60 фоизини олдиндан тўлайди, кейин икки йил мобайнида йилига 20 фоиздан тўлаб бориш ҳисобига банкдан олган кредитини қоплайди.

Қайд этилганидек, кредитга сотиш тартиби жорий этилгач, май ойида мамлакатимиз ички бозорида сотилган автомобилларнинг умумий миқдори 2694 тани ташкил этган. Бу, ўз навбатида, ўтган ойдаги кўрсаткичдан 30 фоиз кўп, демакдир.

Бундай ташаббуснинг афзалликлари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Аввало, кредитга машина олиш тажрибаси муайян сабаблар туфайли бир йўла тўлиқ нархини тўлаб автомобиль харид қилиш имконига эга бўлмаган кишиларимизга катта қулайлик яратади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тегишли факт ва рақамлар билан танишиш кифоя, деб ўйлаймиз. Қуйидаги 1-жадвалда шу йил май ойида ички бозорда автомобиль сотиш бўйича эришилган натижалар тўғрисидаги маълумот келтирилмоқда:

(1-жадвал)

| № | Минтақа | 2003 йилнинг дастлабки беш ойида сотилгани (дона) | Шу жумладан 2003 йил май ойида сотилгани | Шундан аҳолига банк кредити бўйича сотилгани | Кредитга сотилгани эвазига тушган маблағ миқдори (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 246 | 113 | 28 | 229262,1 |
| 2 | Андижон вил. | 1743 | 410 | 150 | 1 166 027,8 |
| 3 | Бухоро вил. | 656 | 231 | 30 | 229 520,0 |
| 4 | Жиззах вил. | 172 | 54 | 25 | 189 679,0 |
| 5 | Қашқадарё вил. | 141 | 80 | 47 | 379 269,2 |
| 6 | Навоий вил. | 289 | 126 | 55 | 395 124,6 |
| 7 | Наманган вил. | 308 | 120 | 43 | 350 735,5 |
| 8 | Самарқанд вил. | 192 | 92 | 33 | 306 426,5 |
| 9 | Сурхондарё вил. | 307 | 146 | 73 | 549 545,0 |
| 10 | Сирдарё вил. | 136 | 52 | 28 | 233 601,1 |
| 11 | Тошкент вил. | 333 | 82 | 24 | 217 798,9 |
| 12 | Фарғона вил. | 738 | 276 | 88 | 753 989,9 |
| 13 | Хоразм вил. | 188 | 56 | 30 | 235 332,7 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 1177 | 830 | 167 | 1 573 902,9 |
| | Ж а м и | 6626 | 2694 | 821 | 6 539 882,3 |

Айтиш жоизки, машиналарни кредитга сотиш ташаббуси, ўз-ўзидан, мамлакат банклари ўртасида соғлом рақобатни юзага келтирди. Бу эса истеъмолчи, харидор, демакки, фуқароларимиз манфаатларига йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонунияти, таъбир жоиз бўлса, хислатидир.

Ҳозирги вақтда юртимиздаги 14 та банк муассасаси ўз молия маблағларини машина сотиб олиш учун аҳолига кредит беришга жалб этмоқда. Банкларимизнинг бу борада май ойида эришган натижалари қуйидаги 2-жадвалда яққол кўринади:

(2-жадвал)

| № | Банклар номлари | Банк муассасалари кредитлари бўйича сотилган автомобиллар миқдори (дона) |
|---|---|---|
| 1 | "Асака" банки | 583 |
| 2 | Ҳамкор банк | 81 |
| 3 | "Ўзсавдогарбанк" | 37 |
| 4 | "Ўзуйжойжамғармабанк" | 32 |
| 5 | Халқ банки | 29 |
| 6 | "Ўзтадбиркорбанк" | 24 |
| 7 | Универсиал банк | 7 |
| 8 | Узприват банк | 6 |
| 9 | "Ўзмиллийбанк" | 5 |
| 10 | Траст банк | 4 |
| 11 | Ўктам банк | 4 |
| 12 | Алоқа банк | 3 |
| 13 | Буюк Ипак Йўли банки | 2 |
| 14 | Турон банк | 4 |
| | Ж а м и | 821 |

Бунда "Асака" банкининг кўрсаткичи алоҳида эътиборга лойиқ экани кўриниб турибди. Мазкур молия муассасаси кредитлари бўйича кўрсатилган муддатда қарийб 600 та автомобиль харид қилинган. Бошқа банклар кредитлари ҳисобига жами 220 тадан зиёд машина сотилган.

Кредитга машина сотишнинг яна бир афзаллиги шундаки, у миллий валютамизнинг янада мустаҳкамланишига, маблағларнинг айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Кишиларимизнинг машина харид қилиш имконияти енгиллаштирилгани туфайли май ойидаёқ улар жамғарган маблағлар ҳисобидан қўшимча 3 миллиард сўм нақд пул мамлакат иқтисодиётига жалб этилгани бунинг яна бир далолатидир.

Кредит бўйича савдодан тушган маблағлар жойларда бюджет ташкилот ва корхоналари ишчи-ходимларига маош тўлаш, пенсионерларга нафақа бериш учун сарфланаётгани назарда тутилса, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари кредитга машина сотиш усулини доимий эътиборда сақлаши, ҳаттоки, қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқ экани ўз-ўзидан равшанлашади.

Ҳозир банк кредити ҳисобига машина сотиш бўйича Тошкент шаҳрида (1 миллиард сўмдан зиёд), Андижон (1 миллиард сўмдан зиёд), Фарғона (600 миллион сўмдан зиёд) ва Сурхондарё (500 миллион сўмдан зиёд) вилоятларида, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришилгани эътиборга моликдир.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини уйғотиб юборган бу замонавий корхона – "ЎзДЭУавто" тегишли ҳамкорлари билан биргаликда таклиф этган ўз машиналарини кредитга сотиш ташаббуси ҳамюртларимиз учун ниҳоятда қулайлиги, ҳаммабоплиги ва фойдали экани билан тез эътибор қозонмоқда ва ҳаётга тобора изчил татбиқ этилмоқда.

Бу ташаббус, биринчи навбатда, зикр этилганидек, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга,, одамларимизнинг келажакка ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан хайрли, айни чоғда, кенг қўллаб-қувватлашга муносибдир.

*Ғулом МИРЗО,*
*ЎзА шарҳловчиси.*

Ислоҳот

# ХИЗМАТ МАРКАЗЛАШДИ

*Ангрендаги кўмир саноати корхоналарини янгилаш ишлари тобора кенгаймоқда. Бунда ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, корхоналарни йириклаштириш, ортиқча сарф-харажатларни бартараф этишга ҳам эътибор берилмоқда. Яқинда шу мақсадда амалга оширишга қаратилган янги бир ташкилий тадбир ниҳоясига етказилди. Қатор жамоаларга хизмат кўрсатувчи тарқоқ майда транспорт ташкилотлари ягона корхонага бирлаштирилди.*

Юзтадан ортиқ енгил ва юк машиналари, автобуслардан ташкил топган бу янги «Кўмиртаъминлаштранс» корхонасида транспорт машиналарини янгилаш, эскиларини ҳисобдан чиқариш ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг ўрнига замонавий турлари олиб келинмоқда. Чунончи, бир қанча транспорт воситалари Германиядан келтирилди.

— Корхонамизнинг алоҳида ёнилғи қуйиш шоҳобчаси, таъмирлаш бўлинмалари бор, — дейди унинг раҳбари Бахтиёр Мамараззоқов. — Эҳтиёт қисмларни Тошкент, Асака шаҳарларидаги, шунингдек, Россиядаги қатор машинасозлик корхоналари етказиб берадилар. Бунинг учун уларнинг ҳар бири билан ҳамкорлик шартномалари тузилди. Энг муҳими, маъмурий бошқарув ходимлари бир неча баробар камайди. Йириклашган корхонамиз жамоаси кўрсатаётган хизмат таннархи сезиларли арзонлашади ва кўплаб маблағни тежаб қолиш имконини беради.

*Гулшан ОМОНОВА.*

Транспорт

*Бу автосаройда бўлиб, жамоанинг меҳнат фаолияти натижалари билан қизиққанимизда, энг аввало, 3441,4 минг рақамини келтирдилар. У белгиланган манзилларга жорий йилнинг ўтган беш ойида етказиб қўйилган йўловчилар сонини билдирар экан. Агар бу рақам ўтган бутун хўжалик йилида хизмат кўрсатилган йўловчилар сонидан тўрт минг нафар ортиқ эканлиги хисобга олинса, унинг салмоғи янада ортади.*

# АКЦИЯДОРЛАРНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Маълумки, бозор иқтисодиётида меҳнатдан иложи борича кўпроқ даромад олиш ва фойда кўриш назарда тутилади. Корхонада бу кўрсаткич ҳам кўнгилдагидек бўлмоқда. Ўтган йили даромад 194,6 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг беш ойида 244,5 миллион сўмга етди. Соф фойда эса, биринчи чоракда 3 миллион 672,6 минг сўмни ташкил этди...

Бу рақамлар «Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи» акциядорлик жамияти жамоасининг айрим ютуқларини ифодалайди. Бошқа кўрсаткичлар ҳам чакки бўлмаяпти. Бу хўжалик юритишнинг янги замонавий шаклига ўтилганлиги, транспортчиларнинг ўзлари корхонанинг эгалари бўлиб қолганлиги, зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажаришга бўлган интилишлари каби омиллар самарасидир.

Ҳайдовчилар, таъмирловчилар, барча муҳандис-техник ходимлар «Хизмат кўрсатиш сифати — муваффақият гарови» ҳаракатида қатнашмоқдалар. Қимматли техника воситаларига эҳтиёткорона муносабат, автобуслар бузилишининг олдини олиш, жорий ва тўла таъмирлаш ишларини жадвал асосида амалга ошириш, моддий-техника захираларидан, ёнилғи-мойлаш ашёларидан тежаб фойдаланиш ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда.



Корхонада автобуслар қатнайдиган ҳар бир йўналишни белгилаш ва уларнинг тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор билан қаралаяпти. Бу йил ҳам қатор янги йўналишларда транспорт хизмати йўлга қўйилди. Энди автобуслар 22 та шаҳарлараро ва 6 та шаҳар атрофи йўналишларида қатнамоқда. Улар орасида республикамизнинг узоқ шаҳарларига борадиганлари ҳам бор. Чунончи, «Тошкент-Учқудуқ», «Тошкент-Урганч», «Тошкент-Нукус» йўналишлари серқатнов.

— Йўналиш тармоғини ривожлантириш ишларини йўловчи ташиш салмоғини ўрганиш асосида олиб борамиз, — дейди «Тошвилоятавтосарой» акциядорлик жамияти раиси Шуҳрат Сайдалиев. — Автобусларимиз ҳеч вақт бўш юрмаслиги, йўловчилар доим гавжум бўлишини ҳисобга оламиз. Чунки, ишимиз самараси, биринчи навбатда шунга боғлиқ.

Кўрилаётган фойданинг салмоқли қисми ишлаб чиқаришнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга сарфланмоқда. Шу йўл билан у сезиларли яхшиланди. Эскирган автотранспорт воситалари янгилари билан алмаштирилди. Юришидан ҳам тўхташи кўп бўлган бир қанча «ЛАЗ» ва «ЛиАЗ» русумли автобуслар фойдаланишдан чиқарилди. Улар ўрнига «Мерседес-Бенц» ва бошқа русумдаги замонавий қулай ва шинам автобуслар келтирилди. Айни вақтда, яхшилаб таъмирланган аввалги «ЛАЗ», «КвАЗ», «ПАЗ» каби транспорт воситалари ҳам яқин йўналишларда қатнаб турипти.

Автохўжаликни таъмирлаш соҳасида ҳам бир қанча ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Транспорт воситалари турлари ва қисмларини қайта тиклаш ҳамда созлаш билан шуғулланувчи 13 та янги бўлинмалар барпо этилди.

Йўловчилар А. Султонов, Н. Алиёров, Т. Турсунов, У. Тожиддинов ва малакали бошқа кўпгина ҳайдовчиларнинг кўрсатаётган маданий хизматидан миннатдор бўлишяпти. Чилангар М. Радяпов, токар А. Тангибоевлар ва уларнинг ўнлаб касбдошлари таъмирлаш ишлари тез ва сифатли бажарилиши билан обрў орттиришган. Бир вақтлар мамлакат миқёсида ўтказилган авторалилиларнинг ғолиби бўлган, эндиликда автокорхонада фойдаланиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган Ж. Рустамов ёш ҳайдовчиларни тарбиялашда фаол қатнашмоқда.

— Автосаройимиз акциядорлик жамиятига айлангач, акцияларнинг маълум қисми транспортчиларимизга тегди, — дейди Ш.Сайдалиев. — Бу ҳам меҳнат натижасидан моддий манфаатдорликни оширди. Акциядорларимиз иш ҳақидан ташқари мунтазам равишда дивиденд олмоқдалар.

Иқтисодий ислоҳотлар туфайли мустаҳкам оёққа туриб, аҳолига барқарор хизмат кўрсатаётган автосарой жамоаси бундан буёнги ишлари ҳам самарали бўлишига ишонамиз.

*Усмон УСМОНОВ,*
*Собир ҲАМИДОВ.*

*СУРАТДА: автосарой фойдаланиш бўлими бошлиғи Жамол Рустамов (ўнгда) ҳайдовчи Собир Бўлатовга сафар олдидан маслаҳат бермоқда.*

*Усмон УСМОНОВ олган сурат.*

# ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

*Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Бундан нафақат ГФР томонидан республикамиз иқтисодиётига киритилган 1,3 АҚШ доллари миқдоридаги сармоялар, немис тадбиркорлари билан ҳамкорликда тузилган ва Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган 150 корхона ёки 50 дан ортиқ немис фирма ва компаниялари ваколатхоналарининг мавжудлиги, шунингдек Германия ишбилармон доираларининг мамлакатимизда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга бўлган ҳақиқий рағбатлари ҳам далолат беради.*

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб боришига республикамизнинг Германиянинг «MVV Energie AG» компаниялар гуруҳи билан ҳамкорлиги мисол бўлиши мумкин. Яқинда ушбу компаниянинг делегацияси Ўзбекистонда бўлиб қайтди. Электроэнергетика, сув, иссиқлик ва газ билан таъминлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган бу компаниянинг йиллик савдо айланмаси 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Компания республикамизда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш, Сирдарё иссиқлик электр станциясини қайта таъмирлаш, «Қўйлиқ-2» мавзесида замонавий энергетика жиҳозларини ўрнатиш ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб келмоқда.

Делегацияга ҳамроҳлик қилган «Ди Вельт» газетасининг мухбири В. Гольдшмидт ушбу нуфузли нашр саҳифаларида шундай ёзади:

«MVV Energie AG» компанияси Ўзбекистон билан яқиндан таниш. Компания Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳарни иссиқлик ва сув билан таъминлашга мутасадди ташкилотларда ишлаётган ўзбек ҳамкасблари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Ўзбекистон бизда мавжуд янги «ноу-хау» технологияларига қизиқиш билдирганлиги, республиканинг Германия билан узоқ муддатли алоқаларнинг истиқболини кўра олишидан далолат беради».

Ўз навбатида «Ост-Вест-Контакт» журналининг масъул муҳаррири Ева Бур Ўзбекистонга сафари ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, қуйидагиларни ёзади:

«Ўзбекистон билан танишув, хусусан журналистлар учун жуда фойдали ва мазмунан бой бўлди. Биз ишбилармон доираларнинг музокараларида иштирок этиш билан бир қаторда, Самарқанднинг бетакрор ёдгорликлари билан ҳам танишиш бахтига муяссар бўлдик. Ўзбек ва немис тадбиркорларининг ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрликлари гувоҳи бўлдик. Бу, албатта, Германия ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишларининг янада ортиши учун хизмат қилади».

*А. АКБАРОВ,*
*«Жаҳон» АА, Берлин.*

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




*89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.*

Демократик ҳуқуқий давлатда давлат бошлиғининг мақоми Конституция ва у асосида қабул қилинадиган қонунлар томонидан жуда аниқ белгилаб қўйилади. Бу давлатдаги энг юқори лавозимни эгаллаган шахсга аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши учун жуда зарурдир.

Президентнинг конституциявий мақоми давлат бошлиғининг вазифалари ва ваколатларини белгилаб қўювчи Конституция меъёрларида мустаҳкамланган.

Ўтмишда Ўзбекистонда давлат бошлиғи лавозими амалда йўқ эди. Президент ҳокимияти институти ўзбек давлатчилиги ривожланишида ўн йилдан кўпроқ тарихга эга.

Ўзбекистон Конституциясининг тузилиш мантиғи ҳокимиятларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича асосий вазифа Президент зиммасига юкланган.

Президентнинг Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимидаги алоҳида ўрни шу билан изоҳланади.

Собиқ иттифоқ республикалари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб, бошқарувнинг президентлик шаклини жорий қилди. Президентлик институти Ўзбекистонда 1990 йил мартида «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан жорий қилинди. XII чақириқ Олий Совет биринчи сессиясида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. 1991 йил 29 декабрь ва 2000 йил 9 январда тўғридан-тўғри умумхалқ Президенти сайловлари бўлди. Сайловлар муқобиллик асосида ўтказилди ва И. А. Каримов Президент этиб сайланди. 1992 йилги Конституцияга биноан Президент давлат бошлиғи деб эълон қилинди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президентининг нуфузи ғоят ўсди. У бевосита аҳоли томонидан сайланади ва давлат ҳамда ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида ўз қўлида катта ҳажмдаги ваколатларга эга. Умуман, Ўзбекистон давлатини президентлик бошқаруви шаклига эга унитар республика деб тавсифлаш мумкин.

Бошқарувнинг президентлик шаклида Президент умумхалқ сайловларида сайланади ва давлат бошлиғи ҳисобланади, айни вақтда ижро ҳокимиятини бошқаради, фақат ўзи олдида жавобгар бўлган ҳукуматни тузади.

Президентлик Республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқарув шаклидир. 1995 йилги маълумотга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 186 давлатдан 140 тасида президент лавозими бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир.

«Президент» тушунчаси конституциявий-ҳуқуқий маънода давлат бошлиғини англатади. Айнан шунинг учун бу институт жаҳон давлат-ҳуқуқ амалиётида яратилган эди. Унинг бундай роли Президенти бўлган ҳар қандай замонавий демократик республикага хосдир. Президент давлатни жипслаштириши, яъни давлат ҳокимияти механизмининг барқарорлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясига мувофиқ Президент — ҳокимиятлар бўлиниши принципига риоя қилинишида давлат механизмининг энг муҳим институтидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ижро ҳокимиятининг бошлиғи ҳамдир. Ижро ҳокимиятига бевосита иқтисодиётга, ижтимоий ва маънавий соҳаларга бошчилик қилиш вазифаси юклатилган. Бунинг учун унга кўрсатма берувчилик функциялари тақдим этилган. Ижро ҳокимиятига қонунларни ижро этиш юкланган, бу ҳокимиятнинг номи шундан келиб чиққан. Ижро ҳокимияти бир-бирига бўйсунадиган мураккаб давлат органлари тузилмалари орқали амалга оширилади. Унга Вазирлар Маҳкамаси етакчилик қилади. Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий номидир (Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ: «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва унинг ўз ваколатларини самарали бажариши учун чора-тадбирлар кўради».

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.***

# ЙЎЛЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

*«Обод маҳалла йили» муносабати билан Қуйичирчиқ туманида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Обод маҳалла» давлат дастурига асосан йил давомида 43 километр йўл таъмирланиб, ободонлаштирилиши режалаштирилган бўлса, бу кунга келиб, режанинг қарийб ярмига яқини бажарилди.*

Яқинда Отажонов номли хўжалик ҳудудидаги катта автомобиль йўли ва «Дўстобод» шаҳридаги 4,5 километрлик йўл кенгайтирилиб, асфальт ётқизилди. Йўл бўйларига махсус бетон тўсиқлар ўрнатилди ва ободонлаштирилди.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***



# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ДАВР ТАЛАБИ

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тизимидаги «Олмалиқғишт» акциядорлик жамиятида янги маҳсулот — қизил, сариқ рангдаги бежирим ва қурилишбоп ғиштлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда корхонада ойига ўртача ҳисобда 1 миллион 700 минг донадан зиёд пардозбоп, қурилишбоп ғиштлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонада тайёрланаётган ғиштлар бошқа турдош корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан кескин фарқ қилади, — дейди «Олмалиқғишт» акциядорлик жамияти раиси Қодиржон Юсупов. — Боиси ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ўзининг сифатлилиги билан давлат андозаларига тўла жавоб бера олади.

Турдош корхоналарда ғишт ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фақатгина тупроқ ва сув ишлатилса бизда тайёрланаётган ғиштларга, албатта, каолин моддаси ҳам аралаштирилади. Шу сабабли корхонамиз маҳсулотлари пишиқ ва сифатли.

***СУРАТДА:*** *чапдан ишчилар Зариф Ғанизаров, Фарруҳ Раҳматуллаев ва мастер Светлана Лаврончьева.*

***Д. Юсупов (ЎзА) олган сурат.***

*Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларининг ижтимоий-сиёсий билимлари синовдан ўтказилаяпти. У назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб бориш жараёнига айланмоқда.*

# ХОДИМЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Шу кунгача вилоят ички ишлар идораларидаги кўпгина ходимлар ўз билимларини синовдан ўтказиб бўлдилар. Хусусан, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка, Паркент, Қибрай, Оққўрғон, Оҳангарон, Ўртачирчиқ туманлари ички ишлар бўлимларида бундай синовлар ходимлар зиммасига янада катта масъулият юклади. Улар ижтимоий-сиёсий билимларни яхши ўзлаштирганликларини намоён қилиб, бугунги кунда мамлакатимизда юритилаётган сиёсат, унинг моҳияти, кўзланган мақсадлар ҳақидаги саволларга яхши жавоб қайтардилар.

***Шерали АНВАРОВ,***
***вилоят ИИБ матбуот маркази ходими, милиция катта лейтенанти.***

# АҚШ МУРУВВАТ ЁРДАМИ

*Тошкент вилояти онкология диспансерида Тошкент шаҳри ва вилояти онкология шифохоналари учун рак касаллигига қарши дори-дармонлар ва тиббий ускуналардан иборат мурувват ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу Counterpart International (СНАР) дастури томонидан олиб келинган ва қиймати 1 миллион долларга тенг бўлган АҚШ мурувват ёрдамининг бир қисмидир.*

Маросимда таъкидландики, хорижий ташкилотлар мамлакатимиз аҳолиси турмуш тарзини юксалтириш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, тиббий муассасаларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шифокорлар ва ҳамширалар малакасини ошириш каби хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшмоқда. АҚШ Давлат департаменти томонидан ажратилаётган тиббий мурувват ёрдамининг умумий қиймати 33,5 миллион доллардан ошди.

СНАР халқаро ташкилоти 1965 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатида ўз ваколатхоналарига эга. Ўзбекистонда у ўз фаолиятини 1998 йилдан буён амалга оширмоқда. СНАРнинг соғлиқни сақлаш дастури соғлом жамият ва бирламчи тиббий ёрдамни ривожлантиришга қаратилган, бунда оналик ва болаликка асосий урғу берилади. Ўтган даврда у умумий қиймати 65 миллион АҚШ долларидан ортиқ мурувват ёрдамини олиб келди. Бу йил эса СНАР мамлакатимизга 3 миллион долларлик мурувват ёрдами келтиришга улгурди.

Таъкидлаш жоизки, топшириш маросими ўтказилган Тошкент вилояти онкология диспансери 1968 йилда ташкил этилган ва ҳар йили 3000 дан ошиқ беморга тиббий ёрдам кўрсатади. Диспансер бешта бинога эга, улардан иккитаси даволаш биноси ва учтаси ёрдамчи бино. Бундан ташқари, диспансер қошида маслаҳат шифохонаси, 220 беморга мўлжалланган стационар, радиология, радиогинекология, жарроҳлик, кимётерапия бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаётган шифокорлар ва ҳамширалар беморларга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Кўрсатилган мурувват ёрдами Тошкент шаҳри онкология муассасалари ўртасида Тошкент вилояти онкология диспансери томонидан тақсимланади ҳамда рак билан касалланган беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда ишлатилади.

***Ҳ. СОДИҚОВА,***
***ЎзА мухбири.***

# ТАБИАТ КУЙЧИСИ

*Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида тошкентлик рассом, табиат куйчиси Фахриддин Тоҳиров яратган асарлар кўргазмаси очилди.*

Табиатга мафтун ижодкор 1951-1956 йилларда пойтахтимиздаги Бадиий билим юртини тугатган. Мураббий мусаввир Ҳикмат Раҳмоновдан таълим олган. 1971-1976 йилда эса маҳоратини янада ошириш мақсадида Низомий номидаги педагогика институти бадиий графика бўлимини тугатди. 1959 йилдаёқ ишлари кўргазмаларда кўриниб, томошабинлар эътиборини тортади.

У эллик йилдан буён ижод қилиб келмоқда. Асарлари табиат куйчилари Ўрол Тансиқбоев, Ҳикмат Раҳмоновларникига ўхшаб кетади. Сир эмаски, мусаввир рассомларни бир умр устоз деб уларга эътиқод билан ёндошди ва лекин ўз услуби, ўйлаган мақсадидан қолмади.

Кўргазмадаги «Ёз ёмғири», «Тонг», «Қуёшнинг ботиши», «Куз», «Оқшом», «Шалола», «Сирдарё», «Чўл», «Тоғ» каби асарлар фалсафий руҳдадир. 1987 йил яратилган «Чўпон», «Оилавий пудрат», шунингдек, катта ва кичик ҳажмлардаги «Автопортрет» (2002) асарларида биз Фаҳриддин Тоҳировнинг портретга усталигини англаймиз. Шунинг учун бўлса керак кўргазмага ташриф буюрган меҳмон — чет элликлар мусаввир асарларининг ана шу томонини ёктиришмоқди.

***Маҳмуд АҲМЕДОВ,***
***санъатшунос.***

Қонунчилик амалиёти: муаммо ва мулоҳаза

# ЖАЗОНИ ТЎҒРИ ОЛИШДИМИ?

Ниҳоят, «Фарҳод» фирмасининг раҳбари Маъмур Зоитовнинг кўнгли «жойи»га тушди. Роппароса уч ой давом этган «судра-судра» поёнига етиб, жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг ҳукмини қўлига олди. Унда Тошкент вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг етакчи мутахассиси Зоир Сувонқулов билан бош мутахассис Шуҳрат Акилов фирма дўконида 2003 йил 14 январь куни ўтказишган текшириш чоғида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 2-, 12- ва 17-моддалари талабларига зид равишда ҳаракат қилишгани, олдиндан текширишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсати олинмаганлиги оқ қоғозга қора қилиб ёзиб қўйилган эди. Суд бу ҳукмни чиқаришда вилоят Адлия бошқармаси томонидан аниқланиб, 2003 йил 27 мартда тузилган маъмурий баённомага асосланди. Суд мажлиси судья Р. Ҳайдаров раислигида ўтди. Унда туман прокурорининг катта ёрдамчиси И. Носиров иштирок этди. Суд мажлиси Сувонқулов ва Акилов мазкур текшириш чоғида ўз ҳатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жиноят тўғрисидаги кодекснинг 241—1-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этишган деб ҳисоблаб, уларнинг ҳар иккаловига энг кам иш ҳақининг етти баробари миқдорида — 31 минг 745 сўмдан жарима жазоси белгилади.

Вилоят Адлия бошқармаси Янгийўлда ўтган яна бир шундай рухсатсиз текширув юзасидан иш қўзғатди. Бу ўринда гап «Азиза» хусусий фирмасининг Гулбаҳор шаҳарчасидаги дўконида вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси давлат нозири М. Каримова билан 1-тоифали мутахассис Ш. Иноғомов амалга оширган назорат хариди хусусида борди.

Яна бир шундай ҳолат. Тўғри, «Дилшод» хусусий корхонасида стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ходимлари А. Аҳмадалиев билан Ё. Ёқубжонов мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатисиз ўтказган текшириш муддати ўтиб кетганлиги туфайли жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди бу ишни кўриб чиқишни тўхтатди.

Ҳар уч ҳолатда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига кўра бир хил мазмундаги ҳуқуқбузарлик содир этилган. Вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси идоравий буйруқ билан кифояланиб, айни шу текширишларни олдиндан режалаштириб, уларни ўтказиш учун мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатини олмаганлиги оқибатида ходимлар ўз ҳатти-ҳаракатларида ҳуқуқбузарликларга йўл қўйишган, деб ҳисобланмоқда. Лекин, аслида айб кимда ёки нимада? Нега буйруқни бажарган ходимлар айбдор бўлиб қолишмоқда? Ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўришмоқда? Келинг, бу хусусда мутахассисларнинг фикрини эшитайлик.

**Текширишларни мувофиқлаштирувчи вилоят комиссиясининг котибаси Фарида Соатова:**

— Тадбиркорларни ортиқча, ўринсиз текширишлар, аниқроғи, турли текширувчи идоралар «тажовузи»дан ҳимоялаш мақсадида давлат назоратини амалга оширувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари текширувлари мувофиқлаштириб борилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 июндаги қарори асосида текширувларни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси, вилоятларда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолият кўрсатаётир. Албатта, вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси Бўстонлиқ, Янгийўл ва Бекободда ўтказган текширувларни олдиндан режалаштириб, комиссиямиз рухсатини олмасдан, қонун ва низом талабларини бузган.

**Вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг бошлиғи Темур Раҳимов:**

— Бугунги кунда аҳолини ташкилот ва корхоналар томонидан сифатсиз, стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва кўплаб сотилишидан ҳимоялаш масаласи долзарб тус олмоқда. Шуни ҳисобга олиб, республикамизда қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Идорамиз ўз фаолиятида уларга, хусусан, «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатлари хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 ноябрдаги 342-сонли қарорида ҳам назорат хариди кўзда тутилган.

Тўғри, тадбиркорларни ўринсиз, кетма-кет такрорланадиган кўпдан-кўп текширишлардан ҳимоялаш зарур.

Лекин шуни асло назардан қочирмаслик керакки, текширишдан текширишнинг фарқи бор. Стандартларга мувофиқлик ҳолатини муайян корхонада текшириш учун унинг муддатини олдиндан эълон қилиб қўйиш асло кутилган самарани бермайди. Бу нопок, фақат ўз нафини кўзловчи тадбиркорларга қўл келади. Жилла қурса, ўша пайтга келиб, ҳамма нарсани рисолага солиб қўйишади. Кўпинча бундан ҳам осон йўлни топишади. Бу — ишни вақтинча тўхтатиб туриш. Чунончи, ўтган йили текширувларни мувофиқлаштириш муддатлари эълон қилингач, текшириш белгиланган пайтда ҳар ўнинчи фирманинг фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилган, натижада режали текширишни амалга ошириш имкони бўлмади.

**Вилоят давлат санитария ва эпидемиология назорати марказининг раҳбари Маҳмуджон Ўлмасов:**

— Биз аксарият текширишларни режали амалга оширамиз. Лекин санитария талабларига риоя қилинишини олдиндан эълон қилиб текшириш кўпинча самарасиз бўлади. Оч қорним — тинч қулоғим дегандек, корхона ёки фирма вақтинча фаолият юритмай қўя-қолади.

Кўриниб турибдики, текширишдан текширишнинг фарқи бор. Жумладан, Ғазалкентда ўтказилган текшириш чоғида Сувонқулов билан Акилов «Фарҳод» хусусий дўконида истеъмолчилар манфаатларига жиддий зарар етказилаётганини аниқлашди. Чунончи, бу ерда сотилаётган нон вазни стандартда белгиланганидан «ҳийла» енгил чиқди. Дўкон пештахтасида терилиб турган «Гранд»ароғи ҳам ташқи кўриниши, физик-кимёвий кўрсаткичлари жиҳатидан стандарт талаблари даражасида эмасди. Чунончи, шишалардаги ичимлик ҳажми меъёрдагидан 30 куб сантиметр, кучлилиги 2,6 даража кам чиқди. Таҳлил учун олинган сайланма шишаларда ножинс аралашма ва чиқиндилар мавжуд эди. Энг асосийси бу ҳам эмас. Сотувдаги «Гранд»ароғи истеъмолчиларга Ғазалкентдаги «Конвин» қўшма корхонасининг маҳсулоти сифатида тақдим қилинган. Ҳолбуки, корхона бош муҳандисининг тушунтириш хатига кўра, икки йилки, «Конвин» бундай шишаларга ароқ қуйишни ҳам, текшириш куни сотувда бўлган шишаларга ёпиштирилган ёрлиқдан фойдаланишни ҳам тўхтатган. «Фарҳод» хусусий дўконининг эгаси эса 200 шиша ароқ «Конвин»дан олинганлиги, маҳсулот «Марказшарбатсавдо» шўъба корхонаси орқали 5/190-юк хати билан 2002 йил 28 ноябрда расмийлаштирилгани ҳақида тушунтириш берган. Бу ҳужжатлар Адлия бошқармаси судга тақдим этган «жиноят иши»да мавжуд эди. Афсуски, на суд раиси Ҳайдаров, на туман прокурорининг катта ёрдамчиси уларга эътибор беришмаган. Улар фақат текширувчилар «содир» этган ҳуқуқбузарликни қайд қилиб, ҳукм чиқариш билан кифояланишган. Аслида, амалдаги қонун ҳужжатлари талабига кўра, суд Ғазалкентда сифатсиз ароқ қуйиб сотиш ҳолати мавжудлигини таъкидлаб, бу масала юзасидан муайян ажрим чиқармоғи, материалларни тегишли тергов-суриштирув идорасига жўнатмоғи керак эди.

Бу ишни кўриб чиқиш жараёнида яна бир таажжубланарли ҳолат ёз берган. Сувонқулов билан Акилов «Фарҳод»да ўша текширишни ўтказишаётганида, Бўстонлиқ туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамғармаси раиси Муҳаббат Тўхтаева ҳам иштирок этган. Кейинчалик, у судда ҳам қатнашган. Лекин, ўз вазифаси нуқтаи назаридан туриб, истеъмолчилар манфаатларини охиригача ҳимоя қила олмаган, судда фақат текширув жараёнини «тасвир»лаб бериш билан кифояланган. Ҳолбуки, у ишга тааллуқли ҳужжатлар билан чуқур танишмоғи, суд мажлиси эътиборини «жиноий ҳуқуқбузарлик»нинг мақсади ва моҳиятига қаратмоғи шарт эмасмиди?

Гулбаҳор шаҳарчасидаги «Азиза» хусусий фирмасида эса, текширув куни сифати ҳақида тегишли маълумот бўлмаган, ҳатто, қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум, мувофиқлик сертификатлари йўқ колбаса ва тортлар сотувга қўйилганлиги аниқланган эди. Бу ўринда ҳам уддабурро тадбиркорлар қонунлар, уларга амал қилиш жараёнидаги номувофиқликлардан усталик билан фойдаланишди, сувдан қуруқ чиқишди. Дўконда қачон ишлаб чиқарилгани, истеъмолга яроқлилик муддати кўрсатилмаган маҳсулотларнинг сотилиш фактини «ҳуқуқбузарлик»нинг олдини олувчи идоралар бу ўринда ҳам эътиборсиз қолдиришди. Кўпроқ аслида тадбиркорлик фаолиятига қўйилган талабларни бузган, истеъмолчи манфаатини «танга мири»га олмай қўйган шахсларнинг арзларини тинглаб, рухсатсиз текшириш оқибатида уларга етган маънавий зарарни ҳам ундириб бериш фикрида бўлишди. Ҳолбуки, вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган бошқа текширишлар чоғида ҳам жойларда истеъмолчиларга сифати, яроқлилиги гумонли маҳсулотлар ҳарид учун тавсия этилаётгани аниқланмоқда. Чунончи, ўша «Азиза»да ҳам, Чирчиқда тадбиркор Зуҳра Исмоилованинг хусусий дўконида ҳам стандарт талабларига жавоб бермайдиган томат пастаси, кунгабоқар ёғи сотувга қўйилган. Бекобод шаҳридаги «Дилшод» хусусий фирмасида эса, сифати ноаниқ ош тузи сотилиб келинган.

**Албатта**, биз текширишларни ўтказишнинг меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган тартибига риоя этмаслик керак, деган фикрдан мутлақо узоқдамиз. Ноқонуний текширувлар, тадбиркорлик фаолиятига ўринсиз аралашувлар ҳақидаги хабарларга эътибор бермасликка, ҳақиқий ҳуқуқбузарларни жазоламасликка даъват ҳам этмоқчи эмасмиз. Мувофиқлаштирувчи комиссиянинг рухсатномаси оқил, ҳалол ва эл-юртни ўйлайдиган тадбиркор учун ниҳоят зарур қалқон. Бу чора уларни назорат идораларининг айрим масъулиятсиз ходимлари тажовузидан ишончли ҳимоя қилмоқда.

Лекин, текширувдан текширувнинг, текширувчидан текширувчининг фарқи бор. Буни унутиш истеъмолчи манфаатларига путур етиши, аҳоли саломатлиги ишончли ҳимояланмаслиги давом этаверади, деган сўз. Бунинг олдини олиш учун биргина нарса — қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар давр ва тажриба талабидан келиб чиқилиб, бир мунча такомиллаштирилиши керак, холос. Шунда ўғри қолиб, тўғри жазоланмайди. Бизнингча, баъзи ҳолларда стандартлаштириш ва санитария-эпидемиология идораларига маҳсулот ва хизматлар сифати устидан давлат назоратини амалга оширишга бирмунча эркинлик бериш зарур. Бу — мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, пировардида уни дунёвий стандартлар даражасига етказиш, жаҳон бозорларига ишонч билан қадам қўйишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

# «МЕҲРЖОН»ДА АЙТИШУВ

*Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги ташаббуси билан Тошкент денгизи ёнидаги «Меҳржон» дам олиш оромгоҳида Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаси оқинларининг айтишуви бўлиб ўтди. Унда ҳар иккала республикадан ўн иккитадан оқин иштирок этди.*

Тадбир «Обод маҳалла йили»га, ўзбек ёзувчиси Ғафур Ғулом ҳамда қозоқ ёзувчилари Назир Тўрақулов ва Мағжон Жумабоевларнинг 100 йиллигига бағишланди.

Шунингдек, йиғилишда республика Байналминал маданият маркази раҳбари Темур Алимов, туман ҳокими Максим Тиллабоев, республика Шаҳидлар хотираси жамғармаси раиси Наим Каримовлар иштирок этиб, ёзувчилар ҳаёти, ижоди, яшаган даври, улар меросининг бугунги кундаги аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтишди.

Айтишувда икки республика ўртасидаги дўстлик, халқларимиз анъаналари, урф-одатларимиз мадҳ этилди. Тадбир сўнгида халқ оғзаки ижодидан намуналарни маҳорат билан куйлаган қозоғистонлик Оқмарал Илюбаева биринчи ўрин, Ойгул Тўрабекова иккинчи ўрин ва ўзбекистонлик Қулмахон Дуйсеновга учинчи ўрин насиб этди. Ғолибларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

***Гўзал СОЛИЖОНОВА.***

2003 йил — Обод маҳалла йили

# ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

*Маҳалла жамғармасининг вилоят бўлими ходимлари «Обод маҳалла йили» дастурини жойларда қандай бажарилаётганлигини ўрганиш мақсадида Қибрай, Зангиота, Тошкент туманларида бўлишди.*

Хусусан, у ерлардаги ўзларининг қатор яхши ишлари билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган маҳаллалар ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг тажрибалари ўрганилди. Эндиликда бундай намунали маҳаллаларнинг фаолиятини туманлардаги бошқа қишлоқ фуқаролар йиғинларига тавсия этиш кўзда тутилган.

***Шаҳноза МАЛИКОВА.***

«TOSHKENT VILOYAT SAVDO»

Акциядорлик компанияси барча акциядорларига ва ҳамкор ташкилотларга компаниянинг номи

«TOSHKENT REGIONAL TRADING»га

ўзгартирилганлигини маълум қилади.

Тошкент вилояти ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхона ва тадбиркорлик субъектлари диққатига!!!

Ўзингизнинг тадбиркорлик фаолиятингиз жараёнида бузилган ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш юзасидан Тошкент вилояти ҳокимлиги адлия бошқармасининг қуйидаги «ишонч телефон»ларига мурожаат қилишингиз мумкин.

152-22-46, 53-30-02, 53-82-61, 53-61-25.

# Ўзбекистон Миср газетаси нигоҳида

*Мисрда чиқадиган "Ал-Мустақбал" газетаси ўзининг биринчи саҳифасида чоп этган бош мақола сарлавҳасини "Имом ал-Бухорий, Ибн Сино ва ал-Хоразмий Ватани - Ўзбекистон демократия йўлидан бормоқда", деб номлади.*

Мақола муаллифи мисрлик журналист Маҳмуд Сулаймон Ўзбекистон тарихи тўғрисида тўхталар экан, шу замин дунёга тақдим этган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, аз-Замахшарий каби буюк аждодларимизнинг фалсафа, тиббиёт, фалакиёт, риёзиётга оид нодир ва бебаҳо асарлари ҳамда уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида муфассал маълумотлар келтирган.

Шу билан бирга муаллиф уларнинг бой меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштириш баробарида миллий қадриятларни асраб-авайлаш борасида мамлакатда амалга оширилаётган хайрли ишларни қайд этган.

Айни пайтда мақолада Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг республикада демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, миллатлараро тотувликни сақлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар ҳамда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида ахборот берилган.

**«Жаҳон» АА.**

# «Буюк ипак йўли»

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон ва Корея Республикаси рассомларининг "Буюк Ипак йўли" мавзуидаги кўргазмаси очилди.*

Кўргазманинг очилиши маросимида сўзга чиққан Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ким Сонг Хван Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлигида бу каби кўргазмаларни ташкил этиш кейинги ўн йил давомида икки халқ маданиятининг ўзига хос мулоқотига айланганини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Корея рассомлари бадиий образлар ва рамзларнинг турли тизимларига эга бўлиш билан бир пайтда умумбашарий қадриятлар, яъни баркамоллик, уйғунлик ва гўзалликка интилишни ифода этади.

Ушбу кўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси, Корея рассомлари уюшмаси ва Корея маданият марказлари уюшмаси ҳузуридаги рассомлар бирлашмаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада Собир Рахметов, Шоира Қўзиева, Акмал Нур, Ғофур Қодиров, Бахтиёр Маҳкамов, Файзуллахон Аҳмадалиев каби ва республикамизнинг бошқа таниқли мўйқалам усталарининг, шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кореялик рассомлар Искра Шин, Елена Ли, Николай Пак, Александр Кимнинг ҳам асарлари намойиш этилган.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Шундан кейин...

### ТЎРТ БОЖАГА ТЎРТ ОВСИН



Эквадорда ажойиб бир тўй бўлиб ўтди. Мўъжазгина Баба қишлоғида яшовчи тўрт ака-ука қўшни оиладаги тўрт нафар опа-сингилларга уйланишди. Генри, Дарвин, Ранульфо ва Уильям Санчеслар Оливия, Роза, Келли ва Китти Сальвадорларнинг қонуний умр йўлдошлари бўлишди. Бундай воқеанинг келиб чиқишига икки оила оталарининг дўстлиги сабаб бўлди. Улар анчадан буён фарзандларининг бошларини қўшишни орзу қилиб келишган. Дастлаб Уильям билан Китти бир-бирларини севиб қолишди, кейин эса қолган ака-укалар қолган опа-сингилларга дил изҳорларини билдиришди.

Мазкур тўйдан хабар топган журналистлар қишлоққа келиб, ғаройиб оилалар ҳақида телекўрсатув тайёрладилар ва ўз қаҳрамонларини бутун мамлакатга машҳур қилдилар.

### НАВБАТДАГИ ЖУМБОҚ

Олимлар навбатдаги чигаллик устида бош қотирмоқдалар. Гап шундаки, 1997 йилда дунёнинг ҳар хил нуқталарида ўрнатилган америкаликларнинг илмий-текширув жиҳозлари океандан таралган ғайриоддий товушлар гувоҳи бўлишган эди. Бу садо одамлар ўрганиб чиққан биронта жониворга тегишли эмасди. Мутахассислар бу товушларни ўхшашлиги жиҳатдан «булуплар» деб аташди. «Булуп», «булур», «булум», — дерди океан. Олимлар бўлса ҳеч нарсани англашмасди.

Баъзилар бу бизга номаълум китлар турининг овози, деди, бироқ, чуқур текширувлар бу фикрни исботламади. Бошқалар ушбу товуш билан улкан саккизоёқлар бир-бири билан мулоқотга киришади, деди, бироқ, бу тахмин ҳам ўз кучини йўқотди. Уммоншунос Фил Лабелнинг «Examiner» саҳифаларида баён этишича, «булуп»лар сири ҳалигача очилмаётир.

### ҲАМ ДЎСТ, ҲАМ ХИЗМАТКОР



Маълумки, Япония юқори технологиялар бўйича сайёрамизда етакчи ўринни эгаллайди. Бундай нуфузни эгаллаган мамлакатнинг «Мицубиси индастри» компанияси яқинда бозорга янги «Кибер-робот»ни тақдим этди. У оғир беморларга қаровчи ҳамшира, тансоқчи ва уй ишларини бажарувчи хизматкор вазифаларини ўтайди. Бу модел ёлғиз одамларга ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган. Гап шундаки, кўпчилик кекса японлар юқори малакали ғамхўрлик ва ходимларнинг меҳрибонликларига қарамай, махсус дам олиш уйларида яшашни ўзларига эп кўрмаётирлар. Ўз уйинг, ўлан тўшагинг, дейишмоқда улар. Очиғини айтганда, юқоридаги «онгли мавжудот»ни «робот» деб аташга ҳам одамнинг тили бормайди. Зотан, унинг кўриниши ёқимтой ва бемалол дўстнинг ўрнини ҳам босиши мумкин.

# ЯНГИ ҚИЁФАДА

*Пойтахтимизда XIX аср охири — XX аср бошида қурилган ноёб меъморий ёдгорликлардан бири — ҳозирги вақтда Республика давлат болалар кутубхонаси фаолият кўрсатаётган бино қайта таъмирланиб, мутлақо янги қиёфага эга бўлди.*

Ҳозирги кунда кутубхона йилига қарийб 13 минг ёш китобхонга хизмат кўрсатяпти. Бу зиё маскани илмий-услубий муассаса мақомига эга бўлиб, унда саккиз бўлим ишлаб турибди.

Болаларнинг ҳозирги таътил кунларида маҳаллалар фаоллари, турли ташкилот ва муассасалар мутахассислари билан ҳамкорликда қизиқарли адабий кечалар, учрашувлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказиляпти.

**(ЎзА).**

## Ибратнома

# ЖОҲИЛ ТАБИБ



Қадим замонда бир шаҳарда илмсиз, тажрибасиз бир киши табиблик даъвосини қиларди. Дориларни бир-биридан фарқ қила олмас, кўз оғриғи билан юрак оғриғини ажрата олмасди. Ўша шаҳарда тиббиётдан хабардор, олим ва фозил бир табиб ҳам бўлиб, кўзи хиралашиб қолганидан касалларни қабул қилмай қўйган эди. Бундан фойдаланган ҳалиги нодон табиб ўзини табобатда моҳир эканини даъво қилишга киришди. Содда халқни ишонтирди. Шаҳар ҳокимининг бир қизи бор эди. Ҳоким шу қизини тўй-томошалар қилиб, ўз акасининг ўғлига никоҳлаб берди. Қизнинг бўйида бўлиб, кўзи ёриш олдида оғир дардга чалинди.

Ҳоким кўзи хиралашиб қолган, моҳир табибни чорлаб, қизини кўрсатди. Табиб қизни текшириб кўриб, дардини аниқлади ва ҳокимга деди:

— «Меҳрон» деган дори бор. Ундан бир мисқол олиб, элангандан кейин унга мушк қўшиб, долчин билан ичирилса, қизингиз тузалиб кетади.

Ҳоким: «У дорини қаердан топиш мумкин?», деб сўраган эди, табиб:

— Хазинангиздаги қутичалар ичида шу доридан борлигини кўргандим, — деди.

Шу пайт жоҳил табиб келиб қолди. «У дорини топиб, олиб чиқиш менинг ишим», деб ҳокимдан рухсат олиб, хазинага кирди. Хазинада бир қанча қутичалар бор эди. Жоҳил табиб шошқалоқлик билан ўша қутичалардан бирини олиб чиқиб, дори тайёрлаб қизга ичирди. Қиз дорини ичган заҳоти ҳалок бўлди. Чунки, у олиб чиққан қутича ичида жуда ўткир заҳар бор эди.

Ҳоким жуда қайғурди. Дарғазаб бўлиб, қолган дорини жоҳил табибнинг ўзига ичирди. У ҳам жойида қотиб қолди.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

## Ўзбекистон кубоги



*Футбол бўйича 2002-2003 йилги Ўзбекистон кубоги баҳслари ҳал қилувчи босқичга кирди. Биллур кубок учун тўрт жамоа даъвогарлик қилмоқда. Термиз ва Наманганда ярим финал ўйинларининг биринчи учрашувлари бўлиб ўтди.*

# ФИНАЛГА БИР ҚАДАМ

Ўз майдонида «Пахтакор»ни қабул қилган «Сурхон» 16-дақиқадаёқ ҳисобда олдинга чиқиб олди.

Танаффусдан сўнг Гочқули Гочқулиев ҳисобни тенглаштирди. Сурхон яна ҳужумга ўтиб, ғалаба қозониш учун ҳаракат қилди. Биринчи тўп муаллифи Баҳриддин Ваҳобов 73-дақиқада ҳисобни 2:1 га етказди. «Пахтакор»чиларнинг ўйинни қутқариб қолиш учун қилган барча уринишлари натижа бермади. Финал йўлланмаси Тошкентда бўладиган жавоб учрашувида ҳал бўлади.

Иккинчи ярим финал Наманганда «Навбаҳор» ва «Насаф» жамоалари ўртасида ўтказилди. «Навбаҳор» ўз майдонида ўйнаган бўлса ҳам учрашувда ташаббусни меҳмонларга бериб қўйди. Биринчи бўлимда ҳисобни очган қаршиликлар иккинчи бўлимда ҳам яхши ўйин кўрсатдилар. Ҳар иккала жамоа яна биттадан тўп киритишга эришди. Ўйин 1:2 ҳисобида «Насаф» ғалабаси билан якунланди. Финалга чиқиш учун «Насаф»ни Қаршида 1 июлда бўлиб ўтадиган жавоб учрашувида эришиладиган дуранг натижа ҳам қониқтиради.

**Талъат ЮСУПОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИСИ — КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБИ



*Ҳиндистон пойтахтининг энг машҳур "Индира Ганди" стадионида ўтказилган эркин кураш, юнон-рум ва аёллар ўртасида эркин кураш бўйича XVI Осиё чемпионати ўзбекистонлик спортчилар учун ютуқларга бой бўлди.*

Аввал хабар берганимиздек, мусобақанинг биринчи куни мамлакатимиз спортчилари икки ғалабани қўлга киритишган эди. Чемпионатнинг иккинчи куни эса, юнон-рум усулида беллашган 84 кг вазндаги ҳамюртимиз Евгений Ерофайлов япониялик курашчи М.Отани, 74 кг вазндаги Жаҳонгир Турдиев қирғизистонлик Д.Кобоновни енгган бўлса, 60 кг вазндаги Аслиддин Худойбердиев эса қирғизистонлик М.Убукев ҳамда ҳиндистонлик Р.Сингх устидан ғолиб келди.

Курашнинг эркин усулида беллашган спортчиларимиз ҳам зафар ғалабасини қўлга киритдилар. Дамир Захритдинов тайванлик Ч.Х.Вини ҳамда Магомед Гажилавов суриялик А.Аластинни мағлубиятга учратдилар.

Курашнинг юнон-рум усули бўйича спортчимиз Евгений Ерофайловга иккинчи ўрин насиб этди ва у эркин кураш, юнон-рум ва аёллар ўртасида эркин кураш бўйича XVI Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлди.

**«Жаҳон» АА.**




**Бола тасаввурида:**
*Раис бува боғча қурилишига панжа орасидан қарайди.*

**А. ҲАКИМОВ чизган сурат.**

## Суд залидан

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ



*Нима бўлди-ю, Иродага кўпроқ миқдорда пул керак бўлиб қолди. У ҳеч иккиланмай, дугонаси Зиёдаларникига йўл олди. Хаёл суриб кетар экан: «Ишқилиб, хасислик қилмай, рози бўлсинда», — деб ўйларди. Нияти холис эканми, дугонаси айтган пулини олиб чиқиб берди.*

Қарздан тезроқ қутилиш учун Ирода бир куни тонг саҳарда йўлга тушди. Дугоналар қуюқ сўрашишгач, уйга киришди, гап қизиб кетди. Бу орада мезбоннинг ака-укалари келиб қолишди. Меҳмон олиб келган пулини бериб, раҳмат айтганича изига қайтди. Йўл-йўлакай Зиёдаларнинг қўшниси Наргиза қаёққадир отланаётиб, кўча томондан деразани ёпаётганига кўзи тушди... Ярим йўлда уйининг калити дугонасининг уйида қолиб кетганини эслади. Ортига қайтиб, калитни олди. Иродаларникидан қўшни ҳовлига овлоқ йўл борлигини биларди. Ҳеч кимга билдирмай, аста қўшни ҳовлига ўтди. Қарасаки, чиндан ҳам ҳовлида ҳеч ким йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, ўзини ошхонага урди. Ичкаридаги буюмларни бир-бир кўздан кечириб, токчадаги «Daewoo» русумли видеомагнитофонга талпинди. Уни қўлига олди-ю, яна келган йўлига қайтди.

Қўшни ҳовли ҳамон тинч, Зиёда ҳам, унинг ака-укалари ҳам кўринишмасди.

Ирода дарҳол ўзини кўча томонга олди.

Наргиза обдон бозор-ўчарини қилиб бўлгач, уйига қайтди. Нарсаларини жойлаштирар экан, негадир токча бўшаб қолгандек туюлди. Роса ўйлади. Қўли ишга бормади. Ахири эсига тушиб қолди-ю, девор-дармиён қўшнисиникига чопди. Гумони тўғри чиқмай, боши қотди.

Дарҳол милицияга бориб, уйига ўғри тушганини маълум қилди. Зудлик билан жиноий иш қўзғатилиб, Ирода ушланди. У ўз қилмишига иқрор бўлиб, ўмарганини эгасига қайтарди. Тергов ҳаракатлари тугаб, иш судга оширилди. Суд ҳайъати 1979 йили Чиноз туманида туғилган, оиласиз, муқаддам судланмаган Ирода Сулаймонови икки йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этди. У ҳар ойда иш ҳақидан 20 фоиз бадал тўлаши белгилаб қўйилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ХОТИРА КУБОГИ УЧУН

*Шу кунларда Чирчиқ ўйингоҳларида бўлсангиз, болалар жамоаларининг футбол бўйича мусобақалари қизғин бораётганлигининг гувоҳи бўласиз.*

Шаҳар маҳаллаларида шу спорт тури ихлосмандларидан ташкил этилган бундай жамоалар ички ишлар бўлимининг террорчилар ва бошқа шу каби ғаламислар билан курашда ҳалок бўлган ходимлари хотирасига таъсис этилган кубокни қўлга киритиш учун ўзаро беллашувни бошлаб юбордилар. У шу йилнинг йигирманчи июнигача давом этади.

Бу йил анъанага айланиб қолган бу тадбирга шаҳардаги қатор корхоналар ва тадбиркорлик тузилмалари ҳомийлик қилмоқдалар. Шаҳар ички ишлар бўлимидан ташқари «Ўзбеккимёмаш», «Ватандош» тижорат ишлаб чиқариш корхоналари, «Осиё» болалар клуби, «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамияти, «Умид» хусусий фирмаси, тадбиркор А. Парпиев ва бошқалар зарур маблағ ажратдилар. Ғолиблар футбол формалари, кубок, болалар оромгоҳларида дам олиш учун ҳар бири 60 минг сўмлик бир қанча йўлланмалар бошқа совға-саломлар билан мукофотланадилар.

**Шокир ТЎҒОНОВ.**

# ЭНГ? ЭНГ! ЭНГ.

Дунёдаги энг қиммат узук 13,49 карат гавҳар кўзли Фенси дип Блю узуги ҳисобланади. Уни 1995 йил апрелида Кристисда бўлиб ўтган ким ошди савдосида осиёликлар 7,5 миллион АҚШ долларига сотиб олишган. Бу жавоҳирларга қўйилган энг юқори нарх ҳисобланади. Аввалроқ кўк олмослар шундай баҳоланган.

* * *

0,95 каратли сиёҳ ранг бриллиант учун 1987 йилда Кристисда бўлиб ўтган кимошди савдосида энг баланд нарх тўлашган. Бу нарх 92 631 579 АҚШ долларини ташкил этади.

* * *

255,1 каратли ишлов берилмаган олмос энг юқори нарх 9,8 миллион АҚШ долларига тушган. Уни Гвинеяда 1989 йилда «Уильям Голдберг Дэйменд Корпорейшн» ва «Чоу Тай Фук Дэсюэлри К* ЛТД» компаниялари сотиб олган.

**Тўпловчи: Жаҳонгир ДОЛИЕВ.**

## Кулганга нима етсин!

**ДАҲШАТЛИ ТУШ**

Ҳар хил курортларда дам олган эру хотин уйга қайтишибди. Ярим тунда улар бирга ухлаб ётишганда тўсатдан хотини ётган жойидан сапчиб туриб, бақириб юборибди:

– Вой шўрим, эрим келиб қолди. Энди нима қиламан?..

Эри эса даҳшат ичида:

– Қани, қани? – дея ўзини кроват тагига урармиш.

**МЕТРОДА**

Хотини:

– Бугун метрода учта эркак менга жой берди.

Эри:

– Наҳотки, шунга сиққан бўлсанг?

## Халқ табобати

# ГИЛОС



Халқ табобатида гилос меваларининг суви ва қайнатмаси иштаҳани очиш ва овқат ҳазмини яхшилаш учун, нафас йўлларининг яллиғланишларида балғам кўчирадиган восита тариқасида, шунингдек, шамоллаш, касалликлар вақтида иссиқни туширадиган ва умуман қувватга киргизадиган восита сифатида ишлатилади.

Гилос гуллари ва баргларидан қўшиб тайёрланган малҳамни яра-жароҳатлар, чипқонларга қўйилади. Халқ табобатида гилос мева бандларидан тайёрланган қайнатмани буйрак-тош хасталиги давосига буюрилади.

Меваларидан камқонлик, гиперацид гастрит, меъда-яра касаллиги, ичак атонияси, спастик колитларда парҳез воситасида замонавий табобатда қўлланилади. Гилосдан болалар овқати учун мева суви, шарбат ва ҳўл мева ҳолида ҳам кўп фойдаланилади.

***Тайёрлаш усуллари:***

1. Гилоснинг қуруқ мева баргларидан 2 ош қошиқ миқдорида олиб, устига 400 мл қайноқ сув қуйилади-да, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади. Сўнгра 3-4 соат дамлаб қўйиб, сузиб олинади. Бундай дамламани пешоб-тош хасталигида ярим стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади. 2. 5 ош қошиқ (80 гр) гилос қоқиси устига 800 мл қайноқ сув қуйилиб, 4-6 соат дамлаб қўйилади-да, кейин сузиб олинади. Иштаҳани очадиган ва умуман қувватга киргизадиган восита тариқасида овқат олдидан 1 ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади.


Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2003 йил 10 июндаги 11-03-18/571-сонли иши ажримига асосан Олмалиқ шаҳридаги «Олмалиқ троллейбус бошқармаси» Давлат корхонасига нисбатан банкротлик иши қўзғатилган. Шу муносабат билан «Олмалиқ троллейбус бошқармаси» биносида 2003 йил 19 июнь соат 10.00 да кредиторлар йиғилиши ўтказилади. Барча кредиторлар қатнашиши шарт.

**Манзил:** *Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Китве кўчаси, 5-уй.*

**Маълумот учун телефонлар:** *134-41-26, 132-07-05.*

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2003 йил 12 июндаги 11-03-05/563-сонли иши ажримига асосан Ўртачирчиқ туманидаги «Тўйтепа автобус-таксомотор саройи» очиқ ҳиссадорлик жамиятига нисбатан банкротлик иши қўзғатилган. Шу муносабат билан «Тўйтепа автобус-таксомотор саройи» очиқ ҳиссадорлик жамияти биносида 2003 йил 20 июнь соат 10.00 да кредиторлар йиғилиши ўтказилади. Барча кредиторлар қатнашиши шарт.

**Манзил:** *Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳри, Бобур кўчаси, 111-уй.*

**Маълумот учун телефонлар:** *134-41-26, 132-07-05.*



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-496. Адади 7953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.*

*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205.* Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6